



ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ҒОЯВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ

Хидиров Мирзохид Ғайратович

Тошкент халқаро таълим университети магистри

“Шуҳрат” медали соҳиби

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14912671>

Ҳар қандай давлат тараққиётини илм-фансиз тассаввур қилиб бўлмайди. Давлатнинг келгусидаги ривожланиш истиқболларин ва кўрсаткичларини илм-фанга қаратилган эътибор ва ёндашув даражасига қараб, белгилаш мумкин. Ўзбекистонда бу борада сўнги йилларда жамият фаровонлиги ва барқарорлик йўлида энг муҳим тамойил сифатида илм-фан ривожига катта эътибор ва имкониятлар яратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жойиз.

Жумладан, Мамлакатимизнинг илм-фан жабҳасида 100 дан ортиқ академик ва тармоқ илмий муассасалар фаолият юритмоқда. Шунингдек, бугунги кунда 65 та илмий-тадқиқот институти, 31 та илмий марказ (шундан 14 та ихтисослаштирилган илмий-амалий марказ) ва 8 та бошқа турдаги илмий ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида ҳам илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида юртимиз олимларининг халқаро илмий журналлардаги мақолалари сони ва салмоғи ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу билан бир қаторда ёш олимларимиз ва тадқиқотчиларимиз халқаро анжуманлар ҳамда симпозиумларда фаол иштирок этиб, тажриба алмашиб келаётганлигини ҳамда халқаро грантларни ютиб олиб, илмий изланишларини давом эттириш имкониятларига эга бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Юртимизда илм-фанга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилганлигини яна бир исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 29-октябрдаги 6097-сонли Фармони асосида қабул қилинган “Илм-фанни 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини” алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу концепцияда бугунги кунда юртимизда илм-фанни ривожлантириш зарурати, унинг жорий ҳолати, илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва мавжуд муаммолари ҳақида илмий асос ва таҳлилга эга бўлган масалалар аниқ кўрсатилган. Биз уни такрорлаш ва унга изоҳ беришдан йироқмиз. Зотан ушбу концепцияда белгиланган устувор вазифаларни бажариш ҳамда мавжуд муаммоларга ечим топиш орқали Ўзбекистон илм-фан тараққиёти жаҳон миқёсида янада юқори кўрсаткичлари сари одимлашига дастурул амал бўлиши шубҳасиз.

Глобаллашув даврида, илм-фан ва инновациялар соҳасида амалга оширилиши керак бўлган устувор вазифалар қаторида яна бир муҳим, жабҳага эътиборингизни қатармоқчиман. Яъни бугунги кунда жаҳон миқёсида мафкуравий полигонларнинг ёшлар таълим-тарбиясига кўрсатаётган салбий таъсири ҳар бир давлат ва жамиятнинг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан саналади. Чунки ҳар қандай идеал яъни омол жамият барпо этиш учун энг аввало ёш авлодни тарбиясини етакчи ўринга қўйиш лозим. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг **“Дунё шийдат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг муштаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишига интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”** деган фикрларини нақадар чуқур маъно касб этишини, дунёда бўлиб турган воқеа ходисалардан билиш мумкин. Ҳозирги даврда ижтимоий тармоқ умуман виртуал олам ҳар бир инсонни ҳаётига кириб борган десак муболаға бўлмайди. Айниқса аксарият ёшлар ҳаётини бусиз тасаввур қила олмайди. Қадимдан маълум бўлган анъана яъни ёшларга мактаб, илм маскани таълим берган бўлса, тарбияни эса қадриятларимиз асосида берилган. Бугунги кунда учинчи томон яъни виртуал олам ёшларни таълим ва тарбиясига ижобий жиҳатдан кўра салбий томондан ўз таъсирини ўтказиб қўймоқда. Бу ҳолатдан четдан туриб унумли фойдаланаётган “кучларнинг” мақсадига етиш учун энг мақбул усул сифатида гавдаланмоқда.



Мутахассисларнинг таъкидлашича ҳозирги кунда 100 мингдан ортиқ экстремизмнинг турли кўринишларини ўзида мужассам этган ғоялар тарғиботи билан шуғулланувчи сайтлар мавжуд. Бу ўз навбатида ёшлар онгига турли ёт ғояларни ўрнашиб олишига, айниқса эътиқодий ва мафкуравий томондан нотўғри томонга оғишларни келтириб чиқариш учун манба бўлиб хизмат қилмоқда. Аксарият мутассибликка мойил ва берилувчан ёшлар 16 ёшдан 24 ёшгача ташкил қилмоқда. Ёки кўпгина йирик террорчи ташкилотлар ўз сафларига асосан 17-35 ёшдаги шахсларни ёлламоқда. Энг ачинарлиси уларнинг руҳий ҳолати ўзгариб, агрессивлик кайфияти, туғилиб ўсган ватанига нисбатан норози кайфиятда бўлиш, ҳатто ўз ота-онасини ҳурмат қилмаслик, юртимиз уламоларига нисбатан ҳақоратли ва обрўсизлантирувчи фикрларни тўғри деб ўйлаши ва шу фикрларга қарши чиққанларни, гарчи энг яқин қариндошлари бўлса ҳам улардан воз кечишгача бораётганликлари афсуски бизнинг жамиятизда учраб турибди. Бу каби мисолларни кўп келтириш мумкин. Лекин бу каби таҳдид ва ақидапарастлик ҳамда радикал ғояларни кенг оммалашиши, агар ўз вақтида олдини олмаса жуда оғир оқибатларни келтириб чиқаришини яқин шарқ минтақасидаги ва қўшни давлатларимиздаги ҳолатлардан билиш қийин эмас албатта. Бу борада ҳам юртимизда кенг кўламли ишлар амлага оширилмоқда. Мухтарам юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ва назорати остида Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жамиятда дерадикализация йўналишда, алоҳида дастур асосида **“Жаҳолатга қарши маърифат”** шиори остида тарғибот ва ташвиқот ишларини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Шунингдек, Президентимизнинг ташаббуси билан жорий йил 15-16 октябрь кунлари Тошкент ва Хива шаҳарларида **“Ислом – тинчлик ва эзгулик дини”** мавзусида ўтказилган нуфузли халқаро конференцияга дунёнинг 22 мамлакатидан 70 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилот раҳбарлари, дин арбоблари, муфтийлар ва таниқли уламолар иштирок этди. Анжуман давомида Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари бошчилигида диний-маърифий соҳадаги юксалишлар, жаҳон жамоатчилига ўрнак бўладиган даражадаги ислохотлар сифатида эътироф этилди. Жумаладан: Бутунжаҳон мусулмон уламолари уюшмаси раиси, Доҳа динлараро мулоқот маркази раиси Али Мухйиддин Қорадоғий ҳазратлари шундай эътирофни таъкидлади: **“Бугун Ўзбекистонда мухтарам Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида диний ва маърифий соҳада, хусусан, ислом илмлари соҳасида жуда катта янгиликлар, яхшиликлар амалга оширилмоқда. Бугунги мураккаб дунёда динийлик ва дунёвийлик мувозанатини ушлаш жуда ҳам мураккаб, бироқ мана шу қийинчиликни қандай чиройли тарзда енгиб ўтиш, амалга ошириш мумкинлигини Ўзбекистон мисолида яққол кўришимиз мумкин. Албатта, бу сиёсатни юритиш осон эмас. Лекин мана шу мўътадил сиёсатни Ўзбекистон Президенти юритаётгани бу барчага ва барча давлатларга, албатта, ўрнак бўлади...”**

Юқорида айтиб ўтилганидек, илм-фан ва инновациялар соҳасида амалга оширилиши керак бўлган муҳим вазифалар каторида яна бир муҳим, жабҳа сифатида бугун глобаллашув замонида ёшларни ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларини олдини олиш, жамиятда радикализм ва мутаассиблик каби қадриятларимиз ва эътиқодимизга зид бўлган қарашларга берилиб кетишига йўл қўймаслик энг муҳим ва долзарб масала бўлиб турибди. Шу муносабат билан шу йўналишда ёшларни соғлом эътиқодли ва юксак тафаккурли қилиб тарбиялашда шунингдек, глобаллашув шароитида ёшларни тарбиялашда ғоявий иммунитетни шакллантиришнинг педагогик технологиялар йўналишида илмий тадқиқотлар қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, ушбу йўналишда мактаб таълими ва олий таълим йўналишида аниқ бир услубий ишланма ва педагогик қўлланмалар деярли йўқ. Таълим тизимидаги маънавий-маърифий тадбирлар бу йўналишдаги хавфларни тўлиқ бартараф этолмайди. Шунингдек, ёшларни ёт ғоялардан асраш ва уларни соғлом тафаккурли қилиб тарбиялашда энг авваломбор диний-экстремистик ва террорчи оқимлар томонидан ишлаб чиқилган онг остини дастурлаш тамойили орқали ўзининг радикал ғояларини қай тарзда аҳоли айниқса ёшлар онгига сингдиришини чуқур ўрганиб, шу йўналишда тадқиқотлар ва изланишлар олиб бориш ва ижобий натижаларни тадбиқ қилишга бўлган эҳтиёж кундан-кунда ортиб бормоқда. Психология ва педагогика соҳаларида ушбу йўналишда тадқиқот ва изланишлар олиб бориб, янги услуб ва инновацион ёндашув



IFT-2024

"Ilm fan taraqqiyoti: muammo, yechim va
istiqbollari il an'anaviy" mavzusidagi
xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

Toshkent, 17-18 dekabr 2024

○○○

орқали четдан кириб келаётган радикал ғояларнинг онг остини дастурлаш орқали ёшларни тафаккурини заҳарлаётган кучларга қарши олимларимиз томонидан мафкуравий тизим ишлаб чиқилишига умид қиламиз.